# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 8 ноябрь, № 220 (6655) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЗАМОНАВИЙ, ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМКОР

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси яна битта "Boeing-787-8 Dreamliner" самолётига эга бўлди.

*Мамлакатимизда истиқлол йилларида транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, айниқса, ҳаво йўллари соҳасини равнақ топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, Миллий авиакомпаниямиз парки энг сўнгги русумдаги замонавий ҳаво лайнерлари билан тўлдирилиб, унинг инфратузилмаси босқичма-босқич модернизация қилинаяпти. Ташиш жараёни эса сифат жиҳатидан халқаро андозаларга мослаштирилаётир. Жумладан, шу йилнинг 31 августида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК авиапарки илк "Boeing-787-8 Dreamliner" самолёти билан бойитилиб, унинг тижорат эксплуатацияси 5 сентябрда, халқаро йўналишдаги дастлабки парвози эса 9 сентябрда амалга оширилган эди.*

*Айни пайтда Миллий авиакомпаниямиз йўловчилари мазкур ҳаво транспорти хизматидан Алмати, Дубай, Деҳли, Истамбул, Тель-Авив, Москва каби йўналишларда фойдаланишмоқда.*

МОДЕРНИЗАЦИЯ






Орадан икки ой ўтиб, "Орзу лайнери"нинг иккинчиси ҳам юртимизга келтирилди. Шу муносабат билан пойтахтимизда ташкил этилган маросимда таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимиз самолётлари дунёнинг турли давлатларига хавфсиз ва ишончли парвоз қилмоқда. Амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли Миллий авиакомпаниямиз кучли рақобатга мослашган улкан тизимга айланди. Ўтган вақт мобайнида унга илғор техника ва технологиялар жалб этилиб, янги терминаллар, қулай авиалайнерлар, тренажёрлар ишга туширилиб, ходимларнинг касбий маҳорати узлуксиз равишда ошириб борилаяпти.

Йўловчиларни манзилига ўз вақтида етказишда эса "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси ҳамда АҚШнинг машҳур "Boeing" корпорацияси билан ўрнатилган ҳамкорлик асосида "Boeing" самолётлари харид қилинаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки "Boeing" ҳаво лайнерлари бир қатор афзалликлари билан ажралиб туради. Хусусан, "Boeing-787-8 Dreamliner" самолётининг аксарият қисми ноёб материаллардан тайёрлангани унинг вазнини енгиллаштириш имконини берган. Қолаверса, у тежамкор ҳамдир. Шу боис унда парвозни узоқ масофаларга тўхтовсиз амалга ошириш мумкин.

Бундан ташқари, Миллий авиакомпаниямизда янги самолётлардан фойдаланиш учун ер усти инфратузилмаси, муҳандис-техникавий ва учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар бажарилди. Янги "Boeing-787-8 Dreamliner" самолёти юртимизга Миллий авиакомпаниямизнинг учувчи-йўриқчиси Андрей Тян, иккинчи учувчи Юрий Горьков ҳамда авиакомпания бош штурмани Станислав Гурфинкель томонидан бошқариб келингани фикримизга яққол бир мисолдир.

Яна бир диққатга сазовор жиҳати, шу йилнинг сентябрь ойида "Boeing" корпорацияси президенти Р. Коннернинг мамлакатимизга ташрифи давомида яна учта янги самолёт харид қилиш бўйича музокаралар олиб борилди. Миллий авиакомпаниямизнинг дастлабки иккита "Орзу лайнери" 787-8 модификациясига мансуб бўлса, кейинги харид қилинадиган самолётларда ўриндиқлар сони кўпайтирилган ва умумий ўлчами узайтирилган 787-9 модификациясида бўлади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Зокиров иштирок этди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## 4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

Сайловолди ташвиқоти доирасида бугунги сонда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг Сайловолди дастурини ташвиқот қилиш бўйича Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси сайлов штаблари фаолияти ҳақида материал чоп этилмоқда.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

**2-саҳифага қаранг.**

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни фракция раҳбари Сарвар Отамуратов олиб борди.*

# Фракция йиғилишида долзарб масалалар муҳокама қилинди

Йиғилишда жорий йил 28 октябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинган 2017 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг асосий параметрларида ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатида кўзда тутилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан парламент назоратини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Айниқса, 2017 йилги Бюджетномани палатада кўриб чиқиш жараёнида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларида кўзда тутилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишда парламент назоратини янада кучайтириш зарурлиги тўғрисида сиёсий партиялар фракциялари, жумладан, "Миллий тикланиш" фракцияси томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларга алоҳида эътибор қаратилди.

**(Давоми 3-бетда).**

## САЙЛОВ — 2016

# Сарвар Отамуратов Наманган вилояти сайловчилари билан учрашди

***5 ноябрь куни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг Наманган вилояти сайловчилари ҳамда кенг жамоатчилик билан учрашуви бўлиб ўтди.***

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги сайловчилар билан онлайн видеоконференция орқали мулоқот тарзида ташкил этилган учрашувда турли соҳалар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хотин-қизлар, ёшлар, маҳалла фаоллари, партия аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирни халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси гуруҳи раҳбари О. Маматкаримов очди. Номзоднинг ишончли вакили О. Мамадалиев иштирокчиларни Сарвар Отамуратовнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов ўз Сайловолди дастурининг асосий йўналишлари хусусида нутқ сўзлади.

Номзод таъкидлаганидек, Сайловолди дастурида халқаро миқёсда эътироф этилган ва бугунги тараққиётимизнинг ҳаётий дастурига айланган беш тамойил асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар бардавомлигини таъминлаш, шу жумладан, тарихий, маданий, бой маънавий-ахлоқий қадриятлар ва анъаналар асосида жамиятда юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш ҳамда маънавий юксалишга эришиш масалаларига устувор аҳамият қаратилган. Бу борада аждодларимиздан қолган маданий ва маънавий меросни авлодларга етказиш масаласи ҳам алоҳида ўрин тутади.

Номзод дастурда аҳоли турмуш сифати даражаси ва фаровонлигини ошириш ижтимоий соҳадаги устувор стратегик мақсад сифатида белгиланганлигини қайд этди. Шу билан бирга, ўзбек халқининг юксак маданияти ва истеъдодини намойиш этадиган ҳамда эстетик қимматга эга бўлган миллий ҳунармандчилик турларини қайта тиклаш, ривожлантириш, бадиий мактабларнинг анъаналарини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилган.

Дастурда, шунингдек, хорижий мамлакатлар кутубхона, архив ва музейларида сақланаётган маданий-маънавий қимматга эга моддий бойликларимизни Ўзбекистонга қайтариш, оила, мерос, уй-жой даъвоси ва маиший турмуш манбаида туғиладиган низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, туристик фаолият манзилларида, халқаро аэропортлар, вокзалларда кўрсатилаётган сервис хизматлари сифатини яхшилаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат дастурини қабул қилиш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби бир қатор устувор вазифалар ўрин олганлиги айтиб ўтилди.

Учрашувда сўзга чиққан Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи А. Тожибоев, Наманган шаҳар транспорт ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Ю. Раҳимова, халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими раиси С. Аъзамова, Наманган "Ёшлар маркази" психологик маслаҳат маркази раҳбари С. Муталов ва бошқалар номзоднинг Сайловолди дастурига ўз муносабатини билдирдилар. Айни чоғда сайловчиларни 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовга овоз беришга чақиришди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Хатамжон Кетмоновнинг Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашуви

***Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Хатамжон Кетмонов 5 ноябрь куни Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашди.***

Онлайн видеоконференция шаклида ўтказилган учрашувни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати А. Қирғизбоев очди. Номзоднинг ишончли вакили Д. Мамажонова йиғилганларни Хатамжон Кетмоновнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов ўз Сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзод ўз Сайловолди дастурида, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий амал қилиш, миллий манфаатларга содиқлик, мамлакат мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш, фуқаролараро ва миллатлараро ҳамжиҳатлик, ижтимоий барқарорликни сақлаш орқали Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади — ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга қаратилган эзгу мақсадлар мужассамлигини таъкидлади.

Дастурда партиянинг ғоя ва дастурий мақсадларига, хусусан, мухолиф фракция сифатида илгари сурилган ғояларга асосланиши, энг кам истеъмол харажатлари (истеъмол саватчаси) стандартларини белгилашнинг асосланган ва замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш, шунингдек, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда бюджет маблағлари, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтириладиган маблағларнинг мақсадли равишда сарфланиши устидан қатъий назоратни кучайтириш, давлатнинг ўсиб бораётган иқтисодий имкониятларидан аҳолининг барча қатлами, энг аввало, кам таъминланган қатламининг турмуш даражасини яхшилашда фойдаланиш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш асосида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар сифатини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон ХДП Данғара тумани кенгаши раиси З. Ҳамралиева, халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши депутати Д. Омонов, Риштон туманидаги "Мискин" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Д. Назирова, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг "Истиқбол" ёшлар қаноти сектори мудири А. Ҳакимов ва бошқалар сўзга чиқиб, сайловчиларни сайлов куни Хатамжон Кетмоновга овоз беришга чақиришди.

***Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Хатамжон Кетмонов 7 ноябрь куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.***

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати А. Қирғизбоев очди. Номзоднинг ишончли вакили Ҳ. Бобохонов йиғилганларни Хатамжон Кетмоновнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Номзод ўз Сайловолди дастурининг асосий йўналишлари юзасидан йиғилганларга батафсил маълумот берди. Ўз навбатида, пойтахт аҳолисининг сиёсий онги ва тафаккури, маданияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик туйғуси ниҳоятда юксак эканлигини алоҳида таъкидлаб, бу ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шарти, айниқса, сайловлар жараёнида долзарб аҳамият касб этадиган асосий омил эканлигини айтиб ўтди.

Номзод ўз дастурида ҳар йили қабул қилинадиган иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Давлат дастури ижросида янгича ёндашувларга ўтишда асосий эътиборни меҳнат бозоридаги талаб-таклифни тўлиқ ўрганиш, ҳисобга олиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини тузишда жорий ва истиқболдаги ривожланиш йўналишларини тўғри ва аниқ белгилашга аҳамият қаратилганини таъкидлади.

Айниқса, пойтахт аҳли учун муҳим бўлган масала — аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш тарифларининг давлат томонидан тартибга солинишини такомиллаштириш орқали коммунал хизматлар нархларини мақбуллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлашнинг мутлақо янги ва замонавий усулларини жорий қилиш, иш ўринларини ташкил этиш дастурининг сўзсиз бажарилиши устидан парламент назоратини кучайтириш зарурати ҳақида тўхталиб ўтди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати М. Раҳматиллаева, Юнусобод туманидаги "Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н. Жалолов, Олмазор туманидаги "Акмал Зиё" хусусий корхонаси раҳбари А. Иноғомов ва бошқалар номзоднинг Сайловолди дастурига ўз муносабатини билдирди. Чунончи, тижорат банкларининг инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини соддалаштириш, макроиқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, фоиз ставкаларини минимал даражада белгилаш, муаммоли қарзлар юзага келишига йўл қўймаслик ва банк хизматлари сифатини яхшилаш орқали уларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш, турли маҳсулот етказувчиларнинг ўзаро эркин рақобатлашишига имкон берадиган очиқ ва ошкора электрон савдолар йўналишини кенгайтириш орқали давлат харидларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги фикрларини алоҳида қўллаб-қувватлашди. Ўз навбатида, сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Хатамжон Кетмоновга овоз беришга чорладилар.

**Элёржон ЭҲСОНОВ,**
**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Наримон Умаровнинг Андижон вилояти сайловчилари билан учрашуви

***Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг Андижон вилояти сайловчилари билан учрашуви 5 ноябрь куни бўлиб ўтди.***

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари сайловчилари билан видеоконференция орқали мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда жами 3000 нафарга яқин талаба-ёшлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари аъзолари қатнашди.

Учрашувни Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши раиси П. Асханов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили А. Назаров йиғилганларни Наримон Умаровнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўз Сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади. Хусусан, номзод демократик ижтимоий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш, қонун устуворлигига эришиш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш ва бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш, мамлакатни модернизация қилишдек устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, янги авлод кадрларини тайёрлаш, миллий манфаатлар устувор бўлган тинчликсевар, прогрессив ташқи сиёсатни олиб боришга доир масалаларда ўз қарашлари билан ўртоқлашди.

Наримон Умаров ўз дастури орқали мамлакатимизда аҳоли сони ортиб, унинг турмуш сифати ва даражаси юксалиб бораётганидан келиб чиқиб, фуқароларимизнинг уй-жойга бўлган талабини қондириш бўйича таклифларни илгари сурди. Чунончи, Андижон вилояти гарчи майдони кичик бўлса-да, аҳолиси зич ҳудуд экани, бу эса, турар-жойга бўлган эҳтиёжнинг ортишига сабаб бўлаётганлигини маълум қилди. Ушбу эҳтиёжлардан келиб чиқиб, мустақиллик йилларида вилоятда намунавий лойиҳалар асосида 5 мингдан зиёд уй-жой қурилгани, 2017 — 2019 йилларда яна 4 минг 220 та ана шундай тураржой барпо этилиши режалаштирилганини таъкидлади. Шунингдек, Андижон шаҳри, Шаҳрихон, Асака ва Хўжаобод туманларида автомобилсозлик, енгил саноат соҳаларида эришилаётган ютуқлар ва олиб борилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик борасидаги ибратли жиҳатларга тўхталди.

Очиқ ва жонли мулоқот руҳида ўтган учрашувда иштирокчилар Президентликка номзодга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишди ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ўз фикрларини билдиришди.

Андижон шаҳридаги "Аср фаровонлик сари" масъулияти чекланган жамияти раиси Б. Комилов, халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутати З. Комилова, Асака тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси шифокори А. Султонов, партиянинг Асака тумани кенгаши раиси М. Каримова ва бошқалар номзоднинг Сайловолди дастурини қўллаб-қувватлаб сўзга чиқдилар. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга, шунингдек, Президентликка номзод Наримон Умаровга овоз беришга чақирдилар.

**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

## Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайлов штаблари партия номзоди дастурини ташвиқот қилиш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

*Сайлов штаби томонидан ишлаб чиқилган режага асосан, бугунги кунда Президентликка номзод Сарвар Отамуратов вилоятларда, номзоднинг ишончли вакиллари туман ва шаҳарларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Учрашувларда Дастурда белгиланган мақсад ва вазифаларнинг мазмун-моҳияти сайловчиларга ҳамда кенг жамоатчиликка бевосита етказилмоқда.*

*Бундай самарали саъй-ҳаракатлар натижасида электорат ва сайловчиларнинг вакиллари ўртасида номзоднинг Сайловолди дастурига қизиқиш кучайиб бораётир. Бугунги тараққиётимизнинг ҳаётий дастурига айланган беш тамойил асосида ислоҳотлар бардавомлигини таъминлаш, бошланган улуғвор ишларга жўшқин суръат бахш этиш учун мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизга эришишда тўпланган тажрибалар, улкан тарихий, маданий, бой маънавий-ахлоқий қадриятлар ва анъаналар асосида жамиятда юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш ҳамда маънавий юксалишга эришиш зарур, деб ҳисоблайдиган тарафдорларимиз сафи кенгайиб бораётгани фикримизнинг яққол тасдиғидир.*

Жойларда бўлиб ўтаётган учрашувларда сайловчилар Сайловолди дастурида миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш сифати, даражаси ва фаровонлигини ошириш бўйича Давлат дастурлари қабул қилиш ҳамда Комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби масалалар белгиланганлигини алоҳида эътироф этмоқдалар.

Дастурда ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловларда имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш муҳим масала сифатида белгиланган. Партия Марказий Кенгаши штабига келаётган маълумотлар шундан далолат бермоқдаки, айнан шу масала ҳам сайловчиларда муайян қизиқиш уйғотмоқда.

Шунингдек, Дастурда акс эттирилган миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлардан муҳофаза этиш, қулай ва жозибадор сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш, давлат компаниялари ва давлат улуши устунлик қиладиган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти шаффофлигини таъминлаш орқали уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш, ички хусусий инвестицияларни миллий иқтисодиётга йўналтиришни янада кенгайтиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифалари мамлакатимиз миллий иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз, деб таъкидлашди учрашувларда сўзга чиққанлар.

Президентликка номзод Сайловолди дастуридаги бу каби вазифаларнинг ҳаётийлиги ва бугунги кун учун ўта долзарблиги сайловолди ташвиқотини самарали олиб боришга хизмат қилмоқда.

Дастурда маънавий-маърифий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ, иқтисодиёт, ижтимоий ва ахборот ҳамда ташқи сиёсат соҳаларидаги қатор масалаларни ҳал қилиш бўйича аниқ механизм ва воситалар илгари сурилди. Буни шу кунларда сайловолди ташвиқоти доирасида кенг жамоатчилик билан учрашувларда сайловчилар ҳам эътироф этишмоқда.

Маълумки, сайловда муваффақият қозонишнинг энг муҳим шартларидан бири — оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш. Юртимизда сўз эркинлиги, фикрлар хилмахиллиги, одамлар ўз қарашларини очиқ-ошкора ифода этишини амалда таъминлаш учун барча шарт-шароит яратилган. Мамлакатимизда 1472 та оммавий ахборот воситаси эркин фаолият юритаётгани ҳамда изчил ривожланиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Шундан келиб чиқиб, ЎзМТДП сайлов штаби оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди ташвиқотини махсус медиа-режа асосида самарали олиб бормоқда. Хусусан, номзоднинг Сайловолди дастури, номзод ҳақида фильм ҳамда роликлар тайёрлаш, телевидение, радио, марказий ва ҳудудий босма оммавий ахборот воситалари ҳамда интернет жаҳон ахборот тармоғида номзоднинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш бўйича гуруҳлар шакллантирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу каби ишчи гуруҳлар бошланғич партия ташкилотлари, вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашларида тузилган сайлов штабларида ҳам ўз фаолиятини изчил олиб бормоқда.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва ҳудудлардаги сайлов штаблари сайловолди ташвиқотини амалга ошириш учун берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, номзод Дастурининг асосий йўналишлари ва ғояларини ташвиқ қилиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Номзодга овоз беришга ундовчи видеороликларда Дастурда белгиланган юртимизда туғилиб, чет элларда вафот этган буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг мангу қўним топган масканларини ободонлаштириш, бугунги кунгача ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига кирмаган архитектура ёдгорликларини мазкур рўйхатга киритиш, моддий-маданий меросни қайта тиклаш ва капитал таъмирлаш жамғармасини ташкил этиш, хорижий мамлакатлар кутубхона, архив ва музейларида сақланаётган, халқимиз тарихига оид моддий бойликларни Ўзбекистонга қайтариш, ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш, ўзбек зиёлилари ва қаҳрамонлари ҳаёти, фаолиятига бағишланган асарлар ва кинофильмларни яратишда ташаббус кўрсатиш, ёшларни ахборот хуружидан ҳимоя қилиш мақсадида креатив ахборот муҳитини яратиш ҳамда Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихий ёдгорликларини жаҳонда тарғиб қилиш орқали туризмни кескин ривожлантириш вазифалари тўлиқ акс эттирилди. Хусусан, дастурда туристик фаолият манзилларида, халқаро аэропортларда, вокзалларда кўрсатилаётган сервис хизматлари сифатини яхшилаш, хорижий ва маҳаллий туристлар учун расмиятчиликни камайтириш, хорижий сайёҳларни рўйхатдан ўтказиш, улар учун автомобиль ташув хизматлари билан боғлиқ жараёнларни соддалаштириш, алоҳида қўриқланадиган ноёб табиий ҳудудларни келиб кўриш тартибини кўзда тутадиган туризмнинг фаол турларини, жумладан, экотуризмни ривожлантириш масалалари муҳим вазифа сифатида белгиланган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки юртимизда тўлиқ ишга солинмаган туризм хизматларини ривожлантириш ва республикамизни жаҳон туристик марказларидан бирига айлантириш қўшимча даромад манбаи бўлиши билан бирга, янги иш ўринларини яратишга ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашувларда халқимизнинг тарихий-маданий мероси ва маданий ёдгорликлари умумжаҳон аҳамиятига молик эканлигини эътироф этиб, шаҳарларимизнинг миллий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш, қайта таъмирлашга кўмаклашиш Дастурдаги асосий вазифалар эканлигига урғу бермоқдалар. Бинобарин, Сайловолди дастурида аҳоли турмуш сифати, даражаси ва фаровонлигини ошириш — ижтимоий соҳадаги устувор стратегик мақсад сифатида белгиланганлиги таъкидланмоқда.

Сайловолди учрашувларида алоҳида эътибор қаратилганидек, эртамиз эгаларининг баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида Дастурда олис ва етиб бориш қийин бўлган жойлардаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари учун имтиёзли транспорт қатновини таъминлаш вазифаси илгари сурилгани аҳамиятга молик.

Мамлакатимиз азал-азалдан ўзининг қўлигул ҳунармандлари билан довруқ қозонган. Бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудида миллий қадриятларимизни намоён этувчи ҳунармандчиликнинг бир қатор турлари ривожланган. Бу каби миллий ҳунармандчилик “Устоз — шогирд” анъаналари асосида шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Миллий қадриятларимиз давомчилари бўлган ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Сарвар Отамуратов Дастурида ўзбек халқининг юксак маданияти ва истеъдодини намойиш этадиган ҳамда эстетик қимматга эга бўлган миллий ҳунармандчилик турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, миллий бадиий мактабларнинг анъаналарини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, Дастурда хорижий мамлакатлар кутубхона, архив ва музейларида сақланаётган моддий бойликларни Ўзбекистонга қайтариш, оила, мерос, уй-жой даъвоси ва маиший турмуш манбаида туғиладиган низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, туристик фаолият манзиллари, халқаро аэропортлар ҳамда вокзалларда кўрсатилаётган сервис хизматлари сифатини яхшилаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган Давлат дастурини қабул қилиш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби бир қатор устувор вазифалар белгиланган.

Маълумки, шу йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Президент сайловида иштирок этадиган юртдошларимизнинг катта қисми ёшлар, шу жумладан, 555 минг нафардан ортиқ йигит-қизларимиз биринчи марта овоз беришади. Номзоднинг Дастурида илгари сурилган ғоя ва мақсадларга уларнинг эътиборини жалб қилишда интернет имкониятларидан фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга. Бугунги кунда мамлакатимизда “Uz” доменида 30 мингга яқин веб-сайтлар бўлиб, уларнинг 360 дан ортиғи интернет оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият юритади. Қолаверса, 13 миллион нафардан ортиқ киши интернетнинг фаол фойдаланувчилари ҳисобланади.

Шу сабабли номзоднинг сайловолди ташвиқотини олиб боришда интернет нашрлари ҳамда ижтимоий тармоқлардан унумли фойдаланилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, бу партиянинг сайлов кампаниясини олиб бориш борасидаги тажрибасида янгиликлардан бири бўлиб, катта қизиқиш ва муносабатларга сабаб бўлаяпти.

Бугунги кунда бир қатор интернет нашрлари, аввалambор, партиянинг mt.uz, партия матбуот нашрининг milliytiklanish.uz ҳамда энг кўп фойдаланувчилар аудиториясига эга бўлган бир қатор оммабоп янгиликлар сайтларида номзоднинг Сайловолди дастури содда ва халқчил, аудио, видео, фото лавҳалар ва инфографикалар воситасида ташвиқот қилинмоқда.

Бундан ташқари, партия сайлов штабида Сарвар Отамуратов Дастурини аҳоли кенг қатламига етказиш, улар орасида ташвиқот қилишда бугунги кунда интернет ва мобиль иловаларда энг кўп қўлланилаётган ижтимоий тармоқлар имкониятидан ҳам самарали фойдаланилаётир. Жумладан, “Facebook”, “Instagram”, “Twitter”, “Davra.uz” ҳамда “Telegram” ва бошқа ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг махсус саҳифалари очилди.

Партия сайлов штабида сайловолди ташвиқотини кўргазмали материаллар ёрдамида олиб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Кўргазмали ташвиқот материалларида Дастурдаги йўналишларни ўзида акс эттирган шиорлар билан сайловчиларга мурожаат этилди. **“Миллий тикланиш, аввалambор, миллий ўзликни англаш демакдир!”, “Миллий манфаатлар ва миллий қадриятларимиз ҳимояси — бош вазифамиз!”, “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ!”, “Баркамол авлод — миллат таянчи!”, “Биз маънавий-маърифий ҳаётимизни янада ривожлантириш тарафдоримиз!”, “Халқнинг маънавий-руҳий тикланиши — иқтисодий ислоҳотларнинг негизидир!”, “Фарзандлари соғлом ва баркамол юрт — қудратли бўлур!”, “Миллий манфаатлар ҳар нарсадан устун!”** каби шиорлар шулар жумласидандир.

Штабда Президентликка номзоднинг сайловолди ташвиқотига қаратилган беш турдаги 642 дона баннер ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида тайёрланиб, тезкор равишда ҳудудларга тарқатилди. Бугун 3х6 м. ҳажмдаги ушбу баннерлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг аҳоли гавжум масканлари, марказий кўчалардаги ташқи реклама воситаларида жойлаштирилди. Сайлов штаби ушбу тадбирлар билангина чекланиб қолмасдан, мамлакатимизнинг барча ҳудудида партиямиздан кўрсатилган номзод сайловолди ташвиқотини олиб бориш, дастурини сайловчилар эътиборига етказиш бўйича ишларни тизимли давом эттирмоқда.

Сайлов кампанияси даврида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг ташвиқотини юқори савияда олиб бориш, номзод дастурида илгари сурилган ғояларни турли тарғибот материаллари орқали сайловчиларга етказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, номзод Дастурининг қисқача мазмуни акс этган буклет, овоз беришга чақириқ акс этган флайер, чўнтак календари, стол тақвими, хатчўп, постер ҳамда кўкрак нишони тайёрланди.

Таъкидлаш керакки, партия Марказий Кенгаши ва ҳудудий партия ташкилотларида ташкил этилган сайлов штаблари керакли бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳамда тарғибот материаллари билан тўлиқ таъминланган.

Партия Марказий Кенгашида ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари ҳамда мутахассислари учун семинар-тренинг ва давра суҳбатлари ташкил этилиб, ҳар бир ҳудудий партия ташкилотида тузилган сайлов штабида номзоднинг ташвиқоти билан шуғулланувчи гуруҳлар учун йўриқнома ишлаб чиқилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, партия Марказий ва ҳудудий ташкилотларида йўлга қўйилган сайлов штаблари мамлакатимизда сайлов кампаниясининг муҳим босқичи ҳисобланган сайловолди ташвиқотини очиқ ва адолатли шароитда, демократик тамойиллар асосида ўтказишда қонунда белгиланган меъёрларга тўла амал қилади.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси барча сайловчиларни партиядан номзод Сарвар Отамуратовга овоз беришга чақиради!

**ЎзМТДП ахборот хизмати.**



# Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси тобора қизғин паллага кириб бормоқда. Марказий сайлов комиссияси Президентликка номзодларни рўйхатга олди, сайловолди ташвиқоти жараёни бошланди.*

*Мамлакатимиз қонунчилигига биноан, Президентликка номзодлар ҳуқуқлари кафолатлари, хусусан, сайловолди ташвиқотини олиб бориш ҳуқуқи улар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.*

## 4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларда қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга. Ушбу қоида билан боғлиқ норма Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 165-моддасида ҳам белгиланган.

Президентликка номзод рўйхатга олинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турида (шаҳарлараро йўловчилар транспортидан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, у Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бунга розилик берган тақдирда, Марказий сайлов комиссиясини дарҳол хабардор этади. Номзодларга бундай ҳуқуқнинг кафолатланиши уларнинг асоссиз таъқибга олиниши, шунингдек, ноқонуний жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилишининг олдини олишга қаратилган.

Президентликка номзодни мажбурий келтириш, қолаверса, унинг шахсий буюмларини, юкини, транспортини, тураржой ва хизмат биноларини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди. Бу уларнинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган чоралардан ҳисобланиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига тўла мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Маълумки, оммавий ахборот воситалари у ёки бу номзоднинг муваффақият қозонишида муҳим роль ўйнаши мумкин. Чунки сайловолди учрашувлари ва йиғилишларида юзлаб сайловчилар иштирок этса, оммавий ахборот воситалари орқали миллионлаб сайловчиларга маълумот етказиб берилади. Шу сабабли Президентликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг барчаси ўз сайловолди ташвиқотини юритиши учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эгалиги кафолатланган.

Президентликка номзодларга сайловчилар билан йиғилишларда ҳамда сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга барвақт хабар қилинади. Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этиш, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш номзодлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Бундай тадбирлар пайтида уларда мазкур ҳудудлардаги мавжуд муаммолар билан яқинроқ танишиш, сайловчилар олдида мавжуд муаммоларга нисбатан ўз муносабатини билдириш имконияти туғилади. Бу сайловчилар учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, сайловчи номзоднинг шахси ва дастури билан яқиндан танишиши, унга ўз саволларини бериши ва уларга жавоблар олиши, умуман, номзод тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиши мумкин.

Президентликка номзодларнинг ички ва ташқи сиёсат, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларга оид муаммоларни ҳал қилиш йўллари ва бу тармоқларни ривожлантиришга қаратилган режалари ифода этилган фаолият дастури билан чиқиши сайловчиларни ўзларига жалб қилиш, ўз тарафдорларини кўпайтириш имконини беради.

Сайлов тўғрисидаги қонунчилигимизга биноан, номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақли. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради, уни Президент этиб сайлаш учун тарғибот олиб боради. Давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиладилар.

Ишончли вакилларни Президентликка номзоднинг тақдимномасига кўра, Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олади ва тегишли гувоҳномалар беради. Номзоднинг 15 нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши унинг мамлакатимизнинг барча ҳудудида, яъни барча сайлов округида сайловолди ташвиқотини фаол амалга оширишига имконият яратади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Президентликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи қатнашиш ҳуқуқига эга.

Миллий сайлов қонунчилигимизда номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари бўйича белгиланган қоидалар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига тўла мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1990 йилда қабул қилинган Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжати, Парламентлараро иттифоқ томонидан 1994 йилда қабул қилинган Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларация, 2002 йилда Венеция комиссияси томонидан қабул қилинган Сайловларга нисбатан раҳбарий принциплар ва бошқа ҳужжатларда ушбу масала атрофлича очиб берилган.

Масалан, Венеция комиссиясининг Сайловларга нисбатан раҳбарий принципларида барча номзодга тенг имкониятлар кафолатланиши белгилаб қўйилган. Бу эса сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситалари, жумладан, давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, номзодлар кўрсатган сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштиришда тенг имкониятлар яратилишини назарда тутади. Парламентлараро иттифоқнинг Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларациясининг 3-бандида ҳар бир номзод оммавий ахборот воситаларида чиқишда тенг имкониятларга эга бўлиши лозимлиги қайд этилган.

Ўзбекистон мазкур қоидаларга мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ амал қилиб, уларни тегишли қонунларда мустаҳкамлаб қўйди. Мамлакатимиз сайлов қонунчилигининг яна бир хусусияти шундаки, Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади. Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини сайлов ўтказиш учун ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

Қонун ҳужжатларида ҳар қандай ҳуқуқ ва кафолатларни турли тажовузлардан қўриқлаш мақсадида жавобгарлик асослари ҳам белгилаб қўйилган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига кўра, сайловни ўтказишнинг қонунда назарда тутилган қоидалари ҳамда тартибини бузувчи шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва Президентликка сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини эркин равишда амалга оширишига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари қонунда белгиланган йўсинда жавобгар бўладилар. Номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган сохта маълумотларни эълон қилган ёки бошқа йўсинда тарқатган, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз муносабатга йўл қўйган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

Номзодлар ҳуқуқлари кафолатини таъминлашда одил судлов муҳим омил ҳисобланади. “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига асосан, фуқароларга уларнинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссиялари, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, сайлов комиссиясининг қарори ва ишидан норози бўлиб юқори сайлов комиссиясига, қонунда кўзда тутилган ҳолларда эса, судга ариза бериш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 272-моддасига асосан, сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

Шикоят суд томонидан аризачини ва тегишли сайлов комиссиясининг вакилини, шунингдек, прокурорни, агар шикоят аризачига эмас, балки бошқа фуқарога дахлдор бўлса, ўша шахсни ҳам чақирган ҳолда кўриб чиқилади. Бу шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди. Суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланоқ дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва аризачига топширилади.

Номзодлар ҳуқуқларини янада кенгроқ ҳимоя қилиш, бунинг учун тегишли кафолатларни яратиш мақсадида 2014 йил 4 сентябрда имзоланган Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг $51^4$-моддасида номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузганлик учун, $51^6$-моддасида эса номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик белгиланган.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида номзодлар ҳуқуқлари тенг ҳамда адолатли равишда кафолатланган ва бунинг учун етарлича ҳуқуқий асослар яратилган.

**Гулчеҳра МАЛИКОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессори.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Чунончи, иқтисодиётни модернизация қилишни янада қўллаб-қувватлаш борасида солиқ сиёсатида кўзда тутилаётган чора-тадбирлардан бири сифатида иқтисодиётнинг устувор тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмлари оширилишини рағбатлантириш мақсадида 2017 йилда амал қилиш муддати тугайдиган алоҳида солиқ имтиёзларининг муддати узайтирилди. Ана шу тармоқларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳолати, имтиёзлар ҳисобига уларнинг ихтиёрида қолаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан назорат тадбирларини ташкил этиш зарурати таъкидланди.

# Фракция йиғилишида долзарб масалалар муҳокама қилинди

Айни пайтда бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, маҳаллий бюджет даромадлари базасини мустаҳкамлаш борасида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг жойларда ижросини назорат қилиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Хусусан, ўрта махсус таълим муассасаларини молиялаштиришда ягона ёндашувни таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимият органларининг касб-ҳунар коллежларини молиялаштириш ваколатларини республика бюджети тасарруфига ўтказиш, бир қатор харажатларни туман даражасидан вилоят даражасига ўтказилаётганлиги борасида амалга оширилаётган ишларни бевосита жойларга чиқиб ўрганиш ва маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида муҳокама қилишга урғу берилди.

Муҳокамаларда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси дастурий мақсадлари ва Сайловолди платформасида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари параметрларида кўзда тутилган молиявий маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш масалалари фракция аъзоларининг диққат-эътиборида бўлди.

Шу жумладан, солиқ ва бюджет сиёсатида кўзда тутилган Қорақалпоғистон Республикасини ҳамда мамлакатимизнинг турли минтақаларида жойлашган туман ва шаҳарларни субвенциядан чиқариш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ўрганиш муҳим масала экани қайд этилди.

Бундан ташқари, миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар, ишлар, хизматлардан муҳофаза этиш, қулай ва жозибадор сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш, шунингдек, давлат компаниялари ва давлат улуши устунлик қиладиган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти шаффофлигини таъминлаш орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Таъкидланганидек, дунё бозорида рақобатдош ҳамда миллий иқтисодиётимиз тимсолига айланадиган трансмиллий компанияларни шакллантириш, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” белгиси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш ва хорижий товарларнинг ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқараётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, божхона имтиёз ва преференциялари, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шаклларда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этиш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Шу билан бирга, Давлат бюджетида мавжуд маданий ёдгорликларнинг тарихий қиёфасини сақлаб қолиш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш каби масалалар ҳам қамраб олинган. Ушбу соҳадаги тегишли дастурни молиялаштириш учун келгуси йилда Давлат бюджетидан 25,8 млрд. сўм маблағ ажратиш режалаштирилди.

Бунда “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, тегишли қўмита билан ҳамкорликда назорат тадбирларини ўтказиш ва жойларда уларнинг муҳокамасини ташкил қилиш муҳим эканлиги қайд этилди.

Йиғилишда фракция аъзолари партия платформасида белгиланган вазифаларга ажратилаётган давлат бюджети маблағларининг мақсадли, манзилли ва самарали ишлатилиши таъминланишида тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда фаол иш олиб бориш лозимлиги ҳақида таклифларни илгари сурдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Тадбиркорнинг янги лойиҳаси

*Навоий вилоятининг Кармана туманидаги “Моҳларойим дурдонаси” масъулияти чекланган жамиятининг 4,5 гектарлик иссиқхонаси мавжуд. Замонавий иситиш тизими ва автоматлаштирилган суғориш тармоғи билан жиҳозланган мазкур “ойнаванд дала”да айни пайтда помидор, бодринг ҳамда турли кўкатлар парвариш қилинмоқда.*

## ИНТИЛИШ

30 кишилик жамоа қиш/баҳор ойларида аҳоли дастурхонига 150 тоннадан зиёд зироатчилик маҳсулотларини тортиқ этишни режалаштираётир.

— Мўл ҳосил етиштириш экиннинг парваришига боғлиқ, — дейди жамият раҳбари Меҳриддин Тоғаев. — Қолаверса, уруғлик ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳозир кўчатларнинг тез пишиб етиладиган навларини ўстираяпмиз. Жорий йилда ички бозордан ташқари, 100 тоннадан ортиқ маҳсулотимизни экспортга чиқаришни мўлжаллаяпмиз.

Эътиборлиси, жамият қошида чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик каби қўшимча тармоқлар ташкил этилган. Ўтган йилги фойда ва банкдан олинган 150 миллион сўмлик кредити эвазига бу ерда савдо ҳамда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш объектлари ҳам ишга туширилди. Мазкур лойиҳа рўёбга чиқиши билан 10 та қўшимча иш ўрни яратилди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Инсон саломатлиги ва атроф-муҳит мусаффолиги

## аграр соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадидир

Аввал хабар қилганимиздек, бугун Тошкентда I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси бўлиб ўтади.

Айни пайтда ривожланган давлатлар органик қишлоқ хўжалигини тараққий топтириш жараёнига жиддий эътибор қаратишмоқда. Чунки деҳқончиликнинг бу усули озиқ-овқат маҳсулотларининг табиийлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, тобора кенг тарқалаётган ген-модификацияланган истеъмол товарларидан ҳимояланишнинг мақбул йўлидир. Зеро, органик қишлоқ хўжалиги атроф-муҳитга зарар етказадиган кимёвий воситалардан фойдаланмасдан биологик хилмахилликни сақлайди, агроэкотизимнинг санитария ҳолатини яхшилайди, инсон саломатлигини муҳофаза қилади.

### ЯРМАРКА

Бинобарин, Ўзбекистонда шаклланган кўп асрлик анъанавий деҳқончилик маданияти маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни кўзда тутадиган органик қишлоқ хўжалиги тамойилларига асосланганлиги билан ажралиб туради. Шу боис заминимизда етиштирилган мева-сабзавот, узум, картошка ва полиз маҳсулотлари ўзига хос таъми, юқори сифатига кўра устунликка эга.

— Пишиқчилик мавсумида пайкал оралаган киши мева-сабзавотларнинг хуш бўйидан роҳатланади, — дейди Андижон вилоятидаги “Армуғон Олтинкўл” боғдорчилик фермер хўжалиги раҳбари Икромали Ҳамроқулов. — Юртимизда озиқ-овқат экинлари ва мевали дарахтларнинг асл навлари анъанавий технологиялар асосида парваришланади. Ҳосилдорликни ошириш мақсадида кимёвий ўғитлардан фойдаланилмайди, ўсишни тезлаштирадиган воситалар ҳам қўлланилмайди. Шундоқ ҳам заминимиз саховатли, тупроғимиз унумдор. Масалан, бизнинг фермер хўжалигимизда бу йил 20 гектар майдондаги олмазорнинг ҳар гектаридан 20 тоннадан мева териб олдик. 10 гектар майдондаги гилос ҳамда токзорнинг ҳосили ҳам кўнгилдагидек бўлди. Бу ноз-неъматларни буюртмачиларга сархил ҳолда етказиб бериш мақсадида сиғими 1,5 минг тонналик замонавий омборхонани ишга туширганмиз.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Сабзавот-полизчиликни, боғдорчиликни, узумчиликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бошқармаси бошлиғи Фахриддин Қирғизбоевнинг айтишича, мамлакатимизда органик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳалар амалга ошириб келинаётгани халқаро доирада ҳам юқори баҳоланмоқда. Сабаби, нафақат озиқ-овқат экинлари, балки пахтачилик тармоғида ҳам кимёвий воситалар, пестицидлар, гормональ препаратлардан деярли фойдаланилмайди.



Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Дарҳақиқат, селекционер олимларимиз томонидан сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 170, мева ва резавор экинлар ҳамда узумнинг 175 дан зиёд навлари яратилган бўлиб, улар ҳосилдорлиги, касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамлилиги, энг асосийси, генларни модификация қилиш технологияларидан бутунлай холи эканлиги билан ажралиб туради. Натижада етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларимизга хорижда ҳам талаб йил сайин ортмоқда.

— Ўтган йили фермер хўжалигимиз тасарруфидаги 140 гектар майдонга олма, олхўри, нок, ўрик, шафтоли, гилос каби мевали дарахтларнинг пакана навларини экиб, интенсив боғ яратган эдик, — дейди Юқори Чирчиқ туманидаги “Eco Agro Product” фермер хўжалиги иш юритувчиси Шаҳзод Эргашев. — Агротехника тадбирлари обитобида олиб борилиб, ҳар бир кўчат алоҳида меҳр билан парваришлангани туфайли иккинчи йилдаёқ мўл ҳосил берди. Бунда томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйганимиз, органик ва маҳаллий ўғитни “шарбат” усулда берганимиз қўл келди. Жорий йилнинг ўзида гектаридан 10 тоннадан мева териб олиб, МДҲ ва Европа мамлакатларидаги буюртмачиларга жўнатаяпмиз.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қишлоқ хўжалиги экинлари парваришида маҳаллий ўғитдан фойдаланишнинг афзал жиҳатлари кўп. Аввало, у арзон, самарали, атроф-муҳит учун безарардир. Қолаверса, сув ресурсларини тежаш имконини беради. Негаки, “шарбат” оқизилган қатор ораларида намлик узоқ сақланиб, кейинги суғоришгача бўлган муддат бир неча кунга узаяди. Ҳосилдорлик эса ортади.

Юртимизда ҳосил кушандаларига қарши курашишда ҳам, асосан, биологик усул қўлланилаётгани органик қишлоқ хўжалиги талаблари тўлиқ бажарилаётганидан далолатдир. Бироқ бундай усулда етиштирилган маҳсулотларимизнинг экологик тоза эканлигини тасдиқловчи меъёрлар ва стандартлар ҳали тайёрланмагани нарх белгилаш, экспорт амалиётларини бажаришга муайян даражада ўз таъсирини кўрсатмай қолмаяпти. Ахир органик маҳсулотнинг баҳоси нисбатан юқори бўлса-да, унга талаб дунё бозорларида йилига ўртача 10 фоиз ўсмоқда. Бундан, айниқса, органик ишлаб чиқариш стандартларига эга дунёнинг 55 мамлакати яхши наф кўраяпти.

Шу боис ҳозирги пайтда республикамизда органик тоза маҳсулот стандартлари, уларни тартибга соладиган ва маркировка қиладиган ҳуқуқий асослар яратилмоқда. “Органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари. Атамалар ва таърифлар” давлат стандарти ишлаб чиқилгани бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг дастлабки натижасидир.

— Корхонамиз томонидан 25 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчиларга қадоқланган ҳолда етказиб берилаяпти, — дейди “Ливадия-Бухара” хусусий корхонаси раҳбари Илҳом Сайфиев. — Улар экологик тоза, сифати юқорилиги боис ташқи бозорда рақобатдош. Мисол учун, бу йил хорижга 300 минг АҚШ долларилик истеъмол товарларини сотиш юзасидан шартнома тузганмиз. Агар маҳсулотларимизни “органик” деган мақом остида тақдим қилсак, экспорт кўрсаткичларимиз бир неча баробар ортиши, шубҳасиз.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли озиқ-овқат экин майдонлари кенгайтирилиб, уларнинг парваришида органик, биологик ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланилмоқда. Ҳатто қайта ишлаш, сақлаш жараёнида ҳам сунъий қўшимчалар қўшилишига йўл қўйилмаяпти. Бундан кўзланган асосий мақсад эса битта: табиий ва экологик тоза маҳсулотлар етказиб беришни кўпайтириш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Фуқаролар йиғинлари сайлов жараёнида фаол қатнашмоқда

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан Марказий сайлов комиссияси, Адлия вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида маҳаллаларда тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан республика семинари бўлиб ўтди.*

**САЙЛОВ — 2016**

Видеоконференцалоқа шаклида уюштирилган тадбирда Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ЁИҲ, “Нуроний” жамғармаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, “Жаҳон” ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Марказий сайлов комиссияси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ходимлари, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Ж. Иноғомов ва бошқалар мамлакатимизда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, юртимиз ҳаётининг барча жабҳасини тубдан янгилаш ҳамда модернизация қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ таъминланиб келинаётгани, халқаро демократик стандартларга тўла мос бўлган сайлов тизими яратилганлигини алоҳида таъкидлашди.

Жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми сифатида маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларини яратиш, уларни замон талабига мос ҳолда такомиллаштириш ҳам доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Пировардида эса бугунги кунда фуқаролар йиғинлари томонидан илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқли бўлган 30 дан зиёд вазифалар муваффақиятли тарзда бажариб келинаётир. Жумладан, маҳаллалар томонидан аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш ҳамда давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш йўналишларидаги ишлар самарали давом эттирилаяпти.

— Маҳалламизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 531-сайлов участкаси тузилган бўлиб, бу ерда барча қулайлик яратилган, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги “Сузукота” маҳалла фуқаролар йиғини раиси С. Турсунов. — Ҳудудимиздаги 3 минг нафарга яқин сайловчининг 1250 нафарини ёшлар ташкил этади, биринчи марта овоз бераётганлар эса 58 кишидан иборат. Уларнинг сайлов ҳуқуқини тўла рўёбга чиқариш учун алоҳида тайёргарлик кўрилди. Она ва бола ҳамда тиббиёт хоналари ташкил этилди. Айни чоғда касаллиги ва бошқа узрли сабабларга кўра, сайлов участкасига келолмайдиган сайловчиларнинг рўйхати шакллантирилди. Умуман, мамлакатимиз ҳаётидаги ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Мақсадимиз сайловни умумэътироф этилган халқаро андозалар даражасида ўтказишдан иборатдир.

Семинарда Марказий сайлов комиссияси томонидан шу йил 7 октябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, фуқароларга истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун, унга сўнгги йилларда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти, шу жумладан, сайловчиларнинг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлари ва эркинликлари атрофлича тушунтирилмоқда.

— Сайловга тайёргарлик кўриш даврида аҳолининг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини янада юксалтиришга қаратилган ташвиқот ишлари изчил олиб борилмоқда, — дейди Элликқалъа туманидаги “Тозабоғ” овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси А. Бобоева. — Йиғинимиз биносида 570-сайлов участкаси жойлашган бўлиб, жами 2891 нафар сайловчи, жумладан, биринчи марта овоз берадиган 89 нафар йигит-қиз рўйхатга олинди. Уларнинг сайлов жараёнидан хабардорлик даражасини янада ошириш доимий эътиборимизда. Бўлиб ўтган видеоконференцалоқа тарзидаги семинар бу борадаги фаолиятимизни янада кучайтиришда айни муддаодир. Негаки, биз тадбир асносида олдимиздаги долзарб вазифаларни ўзимиз учун яна бир бор белгилаб олдик.

Тадбирда жамиятни янада янгилаш ва демократлаштириш фуқаролар сайлов ҳуқуқи амалга оширилиши билан узвий боғлиқ эканлиги қайд этилди. Шу боис сайлов жараёни барча босқичидан сайловчиларнинг хабардор бўлиши, уларнинг ҳуқуқий маданиятини, жумладан, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш муҳим ҳисобланади. Бу эса уларнинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўлақонли риоя этишлари ва сайлов куни ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифодалашларини таъминлайди.

— Маҳалламизда 1860 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди Боёвут туманидаги “Соҳил” маҳалла фуқаролар йиғини раиси М. Турдимуродов. — Шундан 1243 нафари Президент сайловида овоз беради. Улардан 29 нафари биринчи бор овоз берадиган ёшлар ҳисобланади. Сайлов участкамиз Боёвут қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи биносида жойлашган. Бу ерда мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий тадбирни юксак савияда ўтказиш учун барча зарур шароит яратилган. Яқинда ҳудудимиздаги 88-сайлов участкасида олиб борилаётган ишлар кўргазмали семинар орқали тумандаги участка сайлов комиссиялари аъзоларига намуна тарзида таништирилди. Шу ўринда маҳалламиз фаоллари сайлов жараёни билан боғлиқ ишларда ҳамда сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишда участка сайлов комиссияси аъзоларига яқиндан кўмаклашаётганлигини айтиш зарур.

Сайловга тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида маҳаллаларда тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасига биноан, аҳолининг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтиришга қаратилган ташвиқот ишлари изчиллик билан олиб борилаётгани ҳам семинар иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Бундан ташқари, уларнинг сайлов жараёнидан хабардорлик даражасини янада ошириш мақсадида маҳаллаларда “Мен шахсан ўзим овоз бераман!”, “Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эгамиз!”, “Менинг овозим Ватан келажагига дахлдор!”, “Сайловчилар рўйхатида бормисиз?” деган мавзуларда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

— Маҳалламизда сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти, — дейди Андижон шаҳридаги “Намуна” маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Ш. Мирзаева. — Хусусан, турли тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Бу эса ҳудудимизда истиқомат қилаётган 1800 нафар сайловчининг ҳуқуқий билимини янада юксалтириш имконини бераётир. Айниқса, сайловда биринчи марта иштирок этаётган 16 нафар йигит-қизнинг сайлов жараёнидаги фаоллигини таъминлашда тарғибот ва ташвиқот ишларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Ҳудудимизда жойлашган 96-сайлов участкасида барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

Семинарда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган тадбирларда фуқаролар йиғинлари ходимлари ва жамоатчилик комиссияларининг ўрни, участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этишда маҳалла фаолларининг роли каби масалалар батафсил таҳлил қилинди. Айни чоғда тайёргарлик босқичида сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича маҳаллаларда тарғибот тадбирларини аҳоли ўртасида, оилаларда изчил давом эттириш юзасидан зарур фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Фуқаролар йиғинлари мавқеи изчил оширилаётгани уларнинг сиёсий жараёнлардаги ўрнини мустаҳкамлаш баробарида, шу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Ғузор туманидаги “Зарбдор” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Р. Жонқувватова. — Йиғинимизда 40 нафардан зиёд фаоллар бевосита аҳоли билан ишлайди. Шулардан 18 нафари участка сайлов комиссиялари таркибида фаолият кўрсатмоқда. Ҳудудимиздаги 4 та сайлов участкасида 7 минг нафардан ортиқ сайловчилар рўйхатга олинган бўлиб, 239 нафари биринчи марта сайловда қатнашади. Сайлов участкаларининг барчасида она ва бола ҳамда тиббиёт хоналари, овоз бериш жойлари намунали ташкил этилди. Айни пайтда ҳар бир хонадонга бориб, сайловчилар рўйхатини шакллантиришда участка сайлов комиссияларига кўмаклашаяпмиз.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раиси А. Арипов сўзга чиқди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

## «Best realtor» МЧЖ
### Наманган минтақавий филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Наманган тумани СИБ томонидан ФИБ Наманган туманлараро судининг 2014 йил 21 майдаги 1-1270-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган тумани, «Ғирвон» ҚФЙ, «Қуйи Ғирвон» МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш ости майдони 234,31 кв. м., фойдаланиш майдони 167,00 кв. м. бўлган «Ғирвон чойхонаси» бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 146 964 476 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Косонсой тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 1 майдаги 10-1513/3346-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Косонсой тумани, «Ёшлик» ҚФЙ, Жар массивида жойлашган, «Tradewell international» МЧЖ шаклидаги хорижий корхонага қарашли, ер майдони 20747,473 кв. м., қурилиш ости майдони 5223,90 кв. м., фойдаланиш майдони 4571,10 кв. м. бўлган терини қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш корхонаси бино-иншоотлари ҳамда мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 035 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 12 декабрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 9 декабрь куни соат 18.00.

Мазкур мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000800433601001, МФО: 00223, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Наманган шаҳри, Бобораҳим Машраб кўчаси, 7-уй.**
**Телефон: (0-369) 227-85-25.**
**www.emulk.uz Электрон почта: best.namangan@inbox.uz**

1675А/540

## «Best realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2014 йил 24 мартдаги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ks Ind» МЧЖга тегишли, Олмалиқ шаҳри, Эҳтиром кўчасида жойлашган, ер майдони 41055,95 кв. м., қурилиш ости майдони 9773,0 кв. м., фойдаланиш майдони 10989,83 кв. м. бўлган, 20 та асосий бинодан иборат бино-иншоотлар ичидаги ажратилмаган қуйидаги ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари такроран қўйилмоқда:

* металл чўзадиган дастгоҳ (волочильный стан 2 (RBD) 8 мм.дан 1 мм.гача;
* металл чўзадиган дастгоҳ 1 (Rolling machine) 16 мм.дан 8 мм.гача;
* экструдер (Extrudion va-chine) QLVG-650 № 0110/1500N/1 — 8 мм.);
* индукцион типдаги мис эритувчи «Upward custing» русумли печка;
* «Zwich ROeli Z020 resistomat 2316 Burster тип 2316-V0001» русумли электр ускунаси;
* «Dizel Generator ASKA model APD 550C» русумли дизель генератори.

***Бошланғич баҳоси — 7 419 342 842 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 23 ноябрь куни соат 18.00.

Мазкур мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000000433601001, МФО: 01036, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй.**
**Телефон: (+99895) 193-01-11. www.emulk.uz**
**Электрон почта: bestrealtor@inbox.uz**

1672R/540

## «AUTO MEGA TRADE» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган, Олмалиқ шаҳри ИИБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

**1.** 2015 йил 10 ноябрдаги 10902-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 А 9219 бўлган, «ВАЗ-21011» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 717 921 сўм.***

**2.** 2015 йил 10 ноябрдаги 10902-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Т 123 НА бўлган, «ГБА СПГ Damas» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 13 203 632 сўм.***

**3.** 2014 йил 18 мартдаги 6416-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 Е 454 СА бўлган, «ВАЗ-21150» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 6 177 215 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан 2016 йил 28 мартдаги 23-1504/487-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 070 НАА бўлган, «Lacetti» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 45 493 151 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

**III.** Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2014 йил 29 июлдаги 2-412/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, АТ Халқ банки Оҳангарон тумани филиалида сақланаётган қуйидаги техника воситалари қўйилмоқда:

* 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60-20 ЕЦ бўлган, «ТТЗ-80.10» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 22 371 660 сўм.***

* 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 66-23 ЕЦ бўлган, «2ПТС-4793-А-03А» русумли тиркама.

***Бошланғич баҳоси — 7 068 050 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 13 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 25 ноябрда ўтказиладиган савдо учун — 2016 йил 23 ноябрь куни соат 16.00, 2016 йил 13 декабрда ўтказиладиган савдо учун — 2016 йил 9 декабрь куни соат 16.00.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли туман (шаҳар) СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Auto mega trade» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Марказий амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000900603278001, МФО: 01088, СТИР: 303877274.

***Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 16-«А» уй.***
***Телефон: (0-371) 239-29-40.***

Гувоҳнома № 009293.

1679А/577

## «VIP REAL ESTATE» МЧЖ

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

* 2016 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Бўка тумани СИБ томонидан ФИБ Оҳангарон туманлараро судининг 2011 йил 17 ноябрдаги 7776-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 6-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 59,40 кв. м., фойдаланиш майдони 46,44 кв. м. бўлган, 2 хонадан иборат 46-хонадон такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 24 812 100 сўм.***

* 2016 йил 12 декабрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан ЖИБ Чилонзор тумани судининг 2016 йил 17 июндаги 1-473/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Шайхонтоҳур кўчаси, 95-уйда жойлашган, умумий майдони 56,63 кв. м. бўлган, 2 та хонадан иборат 18-хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 190 724 912 сўм.***

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида кўчмас мулк учун тўловни тўлиқ амалга ошириши лозим. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Vip real estate» МЧЖнинг АТ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси;

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

— закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;

— хорижий ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот.

Қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

**ДИҚҚАТ!**

Яшнобод тумани СИБ томонидан ФИБ Учтепа тумани судининг 2016 йил 4 мартдаги 851/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мумтоз кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, ер майдони 1044,0 кв. м., бино майдони 1266,0 кв. м., фойдаланиш майдони 1025,75 кв. м.дан иборат бўлган 1 ва 3 қаватли маъмурий бино ҳамда тиббий ёрдам биноси Яшнобод тумани СИБнинг 2016 йил 21 октябрдаги 21146-сонли хатига асосан, аукцион савдоларидан олинди.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-595) 143-0-143.**
**Электрон почта: info@realtors.uz www.realtors.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1687А/465

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Улуғбек Миртолибович Юсуповга отаси

**Миртолиб Мирсолихович ЮСУПОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 70 896 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5 6